*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 171 (5762).
29 ИЮЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

## Қурувчилар туҳфаси

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Жилстрой» тресги қурувчилари Олимпия массивида 40 ва 90 квартирали беш қаватли бир неча уй-жой биноларини фойдаланишга топширдилар.

Трест азаматларининг КПСС XXVII съезди арафасида бошланган жўшқин меҳнат вахтаси туфайли бу бинолар муддатидан илгари қурилди. Қурилиш ишларида А. Иванов бошлиқ пардозловчилар, А. Таблов, В. Нефеткин бошлиқ комплексдашган бригада аъзолари новаторлик намунасини кўрсатдилар.

Партия анжуманига муносиб меҳнат совғаларини ҳозирлашга киришган бунёдкорлар шу кунларда ТошМИнинг янги шаҳарчасида, Чилонзор массивида бир неча объектлар қурилишини тезкорлик билан олиб боришмоқда.

## КОСМОС—ЕРГА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 июль. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних «Салют-7» орбитал илмий станциясининг ичида мўлжалланган ишларни давом эттирмоқдалар.

Экипаж турли халқ хўжалик ва илмий вазифаларни ҳал этиш, шу жумладан мамлакатимизнинг биосфера қўриқхоналаридаги тупроқ ва ўсимлик ҳолатига экологик баҳо бериш манфаатлари йўлида геофизик тадқиқотлар катта бир комплексини бажарди.

Бугун космонавтлар Ер табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ дастлабки камералар ва спектрометрлар воситасида Помир ва Тянь-Шань тоғ массивларини, марказий Қизилқумдаги халқа тузилишларини, мамлакат Европа қисмининг айрим районларини кузатмоқдалар, съемка қилмоқдалар.

Учишни бошқариш маркази орбитал космик экипажи билан олиб борилган радиоалоқа сеансларининг бирида Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалидаги Совет делегацияси составига киритилганлиги муносабати билан уларни қутлади.

Учиш нормал ўтмоқда. Иккала космонавтнинг соғлиги ва кайфияти яхши.

XII МОСКВА 1985

# ЁШЛИК, ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

## МОСКВАДА ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ








**МОСКВА. 1985 йил 27 июль. Ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали иштирокчиларининг тантанали юриши.**

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз дўстлар, ҳурматли меҳмонлар!

Сизларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқ пойтахти — Москвада мамлакатимиз халқи номидан табриклайман. Ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали очилиши билан сизларни қутлайман.

Бундай фестиваллар ҳамиша катта байрам, катта халқаро воқеадир. Бу — барча қитъаларнинг ёш намояндалари, турли дунёқарашларга, миллий анъаналарга мансуб кишилар учрашаётганликлари учун ҳам байрамдир. Улар ҳар бир халқнинг маънавий хазинасида мавжуд бўлган барча энг яхши бойликларни баҳам кўриш учун учрашадилар ва шу тариқа ҳамжиҳатлик ва дўстликка энг қисқа йўлни очадилар. Совет кишилари бу учрашувдан астойдил қувонмоқдалар ва уларнинг қалблари сизлар учун очиқдир.

Бироқ фестиваллар байрамнинг ўзигина эмас, албатта. Ҳаёт проблемалари кекса авлодларга ҳам, ёшларга ҳам баб-баравар дахлдор бўлиб, уларни ғоят қаттиқ тўлқинлантирмоқда. Ёшлар ўзларининг бутун қалб ҳарорати билан социал адолат ва чинакам эркинлик учун ер юзидаги неъматлардан, цивилизация неъматларидан барчанинг баҳраманд бўлиши, зўравонлик ва ирқчилик, ҳуқуқий тенгсизлик ва жабр-зулм, милитаризм ва агрессия инсон билан инсоният ҳаётидан йўқотилиши учун жангга отланмоқдалар.

Эртанги кун дунёси, келгуси аср дунёси — сизларнинг дунёнгиз-ку, ахир, азиз дўстлар. Шу дунёнинг қандай бўлиши эса кўп жиҳатдан сизларнинг бугунги ўй-фикрларингиз ва ишларингиз билан белгиланади.

Сизлар бу ерда, улуғ Ленин Ватанида ёшларимиз инсонпарварлик, тинчлик ва социализмнинг олижаноб идеалларига қанчалик астойдил содиқ эканликларини бевосита ҳис эта оласиз.

Ҳозирги пайтда инсониятнинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан кўра муҳимроқ ва зарурроқ вазифаси йўқ, деган фикрга ҳаммамиз қўшиламиз, деб ўйлайман. Келажак тўғрисидаги ғамхўрлик ҳам, ўтмиш тўғрисидаги хотира ҳам бизнинг зиммамизга шундай мажбурият юкламоқда.

Сизларнинг анжуманингиз гитлерчилар фашизми билан япон милитаризми тор-мор этилганлигининг, энг кўп қон тўкилган ва шафқатсиз уруш — иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги нишонланган йилда ўтмоқда. Ана шу урушдан кейин шу қадар кўп кулфат ва ғам-ғусса қолдики, улар мана бир неча авлодларнинг ҳаётида ҳамон сезилиб келмоқда, бу ҳол биздан шундай кулфат такрорланишига йўл қўймасликни қатъий талаб этмоқда.

Халқлар бундан 40 йил муқаддам биринчи атом бомбаси портлашидан дунё ларзага келганлигини ҳам унутмайдилар. Ана шу портлашнинг акс-садоси ҳар бир софдил кишининг виждони ва ақл-идрокини уйғотмоқда. Зотан ҳар бир киши: ядро қуроли ерда ҳам, космосда ҳам энди ҳеч қачон ишга солинмаслиги учун, бу қурол умуман батамом ва абадий йўқ қилиниши учун нималар қилдим, деб ўзига савол бериши, савол бергандан кейин эса бизнинг умумий уйимиз — ер сайёраси учун ўзи бажариши мумкин бўлган ишни қилиши керак.

Буни сизлар ҳам биласизлар, афсуски, уруш ва қуролланиш пойгаси мўмай фойда келтираётган реакцион кучлар ҳали актив ҳаракат қилишни давом эттирмоқдалар. Ана шу кучлар тарихнинг боришини орқага буриб юборишни, ўз ҳукмронлиги ва имтиёзларини сақлаб қолишни, халқларга ўз ҳукмини ўтказишни истайдилар.

Совет Иттифоқига келганда шуни яна бир бор жуда равшан қилиб айтмоқчиманки, урушларсиз ва қуролларсиз дунё, яхши қўшничилик ва ҳалол ҳамкорлик дунёси, халқлар ўртасида дўстлик дунёси-социализм идеали сиёсатимизнинг мақсадидир.

Биз қуролланиш пойгасига барҳам беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўймоқдамиз, ядро қуроли проблемасини тубдан ҳал этиш — уни батамом таъқиқлаш ва йўқ қилиш учун сўзда эмас, балки амалда курашмоқдамиз.

Биз одамларнинг кучи, ғайрат-шижоати, инсониятнинг баҳоси тобора янги янги вайронгарчилик воситаларини яратишга эмас, балки очарчилик, қашшоқлик, касалликларни тугатишга, равнақ ва тинч ривожланиш мақсадларига йўналтирилиши тарафдоримиз. Биз таҳдид ва зўравонлик сиёсатига, инсон ҳуқуқларини ва аввало, унинг яшаш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи каби муқаддас ҳуқуқлари поймол этилишига қаршимиз, озодликка чиққан ва ривожланаётган мамлакатларни монополияларнинг бойиш манбаига айлантирилишига, улардан ҳарбий базалар ва агрессия майдонлари учун фойдаланилишига қаршимиз. Биз шуни ошкора ва равшан айтмоқдамизки, Совет Иттифоқи озодлик, миллий мустақиллик ва социал адолат учун курашаётган кишилар томонидадир.

Азиз дўстлар! Совет кишилари тинч бунёдкорлик меҳнати билан банддирлар. Биз кўп ютуқларга эришдик, кўп нарсаларни барпо этдик. Лекин ҳали яна ҳам кўпроқ иш қилиш керак бўлади. Совет ёшларининг билак кучи, билимлари иш берадиган жойлар оз эмас. Биз ҳозирги кунда совет ёшлари совет халқининг ишларига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Бизнинг ёшларимиз янги жамият қурилишини давом эттиришдан иборат юксак бурчини бундан буён ҳам шараф билан оқлашларига ишончимиз комил.

Фестивалда қатнашаётган сиз, йигит ва қизлар инсоният баҳорининг, ўз халқларингиз тараққиёти ва орзу-умидининг тимсолидирсиз.

Урушларсиз, зўравонлик ва жабр-зулмсиз инсониятнинг ҳозирги даври ва келажаги учун сабот билан курашаверайлик!

Ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали халқлар ўртасида бирдамликнинг, тинчлик ва дўстликка содиқликнинг яққол намойиши бўлиб қолсин!

Сизларга муваффақиятлар ва бахт-саодат тилайман!

## Лужники, 27 июль

**Байрамона безанган, гўё ўзининг кўп асрлик тарихини писанд қилмагандай яшарган Москва узра тинчлик ва дўстлик қўшиқлари янграмоқда. Ҳозир у планета ёшларининг пойтахтига айланган. Ёшларнинг мухтор вакиллари — барча қитъалардаги ёшлар намояндалари ўзларининг тинчликка, бирликка, империализмга қарши бирдамликни мустаҳкамлашга бўлган ҳоҳиш-иродаларини намойиш этиш учун Москвага тўпландилар.**

Бундан қирқ йил муқаддам, Европада эндигина тугаган урушдан фожиали хотира сифатида вайроналардан тутун чиқиб турган бир пайтда бутун Ер юзидаги ёшларнинг вакиллари демократик ёшларнинг жаҳон федерациясига асос солишга ҳамда фестиваль номи билан халқаро учрашувларни мунтазам ўтказиб туришга қарор қилдилар. Кўп ўтмай фестиваль сўзи тилдан тушмайдиган бўлиб қолди. Ўшанда узоқ вақт ажал уруғи сочилган осмон остида ҳаётни бошлаётган авлоднинг овози бутун дунёга жаранглаб эшитилди:

«Биз барча ёшларнинг бирдам эканликларини айтиш учун, ҳалок бўлган ўртоқларимиз хотирасини ҳурматлаш ва ёшларнинг моҳир қўллари, ўткир ақл-заковати ва ташаббуси энди ҳеч қачон урушга хизмат қилмайди, деб қасам ичиш учун тўпланганмиз».

27 июль куни Москвада ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалининг тантанали очилиши ана шу олижаноб идеалларга содиқлик қасамёдига айланди.

Ҳар хил тусдаги байроқлар миллий кийимларнинг карнавалларга хос хилма-хиллиги, фестиваль рамзи туширилган транспарантлар қуёш нури спекторининг энг ёрқин, энг соф рангларини ўзида акс эттирган. Советлар мамлакати ёшлари шарафига Комсомол номи берилган проспектда фестиваль тантаналарининг муқаддимаси авж олиб кетди.

Майдон узра Кубанинг машҳур таронаси янграйди ва ҳозирги фестивалнинг бекаси — бизнинг Катюшамиз ёшларнинг олдинги учрашуви бўлиб ўтган Озодлик оролидан келган тенгдошидан жаҳон ёшлар анжумани эстафетасини, унинг жонли тимсоли бўлган кабутарни қабул қилиб олади. У митти тинчлик ракетаси сифатида осмонга кўтарилади, оргидан эса қор каби оппоқ қушлар тўдаси парвоз қилади. Осмонда тобора кичрайиб бораётган жонли булутни минглаб меҳрли кўзлар кузатиб турадилар.

Ёрқин, хилма-хил, кўп миллатли колонна 80 метр кенгликдаги проспектни тўлдириб бормоқда. Ер сайёрасининг ёшлари музика ва қўшиқ садолари остида одим ташлаб бормоқда. Улар тинчлик, бахт-саодат, орзу умидни ифода этувчи ажойиб шаҳар бўйлаб қадам ташламоқдалар. Уларга пешвоз чиқиб, Россия ҳақидаги қўшиқ янграмоқда.

Лужникига борадиган йўл узоқ эмас, атиги уч километр — меҳмонлар Москва фестивалига келиш учун босиб ўтган юзлаб ва минглаб километр йўлнинг сўнгги қисмидир. Бироқ ана шу охирги уч минг метр йўлни босиб ўтиш учун икки ярим соат вақт кетди. Бу фестиваль хроникасида байрамнинг дастлабки соатларидир.

Байрам колоннаси тантанали марш садолари остида В. И. Ленин номли марказий стадионга кириб келади.

Стадионнинг марказий ложасида **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар бор эди. Тўпланганлар уларни гулдурос. давомли қарсаклар билан кутиб олардилар.

Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, чет эллик бошқа давлат ва сиёсат арбоблари ҳозир бўлишган.

**(Давоми учинчи бетда).**

## М. С. ГОРБАЧЕВ А. КУНЬЯЛ билан учрашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 27 июлда КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Португалия Компартиясининг Бош секретари Алваро Куньял билан учрашди.

КПСС билан ПКП ўртасидаги муносабатларга хос қардошларча дўстлик ва бирдамлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида иккала партиянинг фаолияти тўғрисида, шунингдек баъзи халқаро масалалар юзасидан ахборот айирбошланди.

М.С. Горбачев КПССнинг совет жамиятини иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш борасидаги тадбирларини, партия XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётганлигини А. Куньялга маълум қилди. Кейинги вақтларда партия ва Совет давлати СССРда ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, социализм мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш соҳасида ўтказаётган тадбирларнинг кенг программаси баён этилди.

Халқаро масалаларни муҳокама қилиш чоғида Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ушбу масалалар юзасидан Совет-Америка музокаралари ҳамда бошқа музокараларда ўзаро мақбул ва амалий битимларга эришишга қаратилган конкрет қадамлари тўғрисида гапирилди.

Португалия Компартиясининг Бош секретари КПСС ички сиёсат соҳасида кўраётган чора-тадбирлар Португалияда ғоят зўр қизиқиш уйғотаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Ана шу чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши социализм ғояларининг жозиба кучини яна ҳам кўпроқ оширади, деб таъкидлади у.

А. Куньял КПССнинг ташаббускор ташқи сиёсатига, Совет Иттифоқининг реалистик таклифларига юксак баҳо берди. Бу таклифлар қуролланиш пойгасини жиловлашга, бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш учун қулай шароит яратишга қаратилгандир.

У Португалиядаги сиёсий ва социал-иқтисодий вазият тўғрисида, Португалия коммунистлари 1974 йилги апрель революциясининг ғалабаларини ва демократик тузумни ҳимоя қилиш, мамлакатни эркинлик, демократия, тинчлик ва социал-иқтисодий тараққиёт йўлидан ривожлантириш учун сабот билан олиб бораётган кураш ҳақида ахборот берди. ПКП партия Х съезди ўртага қўйган мақсадларга эришиш учун ҳаракат қилиб, ўз сафларини ва кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаларини мустаҳкамламоқда.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети номидан Португалия Компартияси билан қардошларча бирдамлик изҳор қилди ҳамда Португалия коммунистларининг ўз халқи ва ватани манфаатлари йўлидаги курашида уларга муваффақиятлар тилади.

М. С. Горбачев билан А. Куньял дунёда кескинлик сақланиб қолаётганлигига АҚШ ва НАТО империалистик доираларининг хатарли ҳаракатлари, улар авж олдираётган қуролланиш пойгаси, биринчи навбатда ядро қуроллари билан қуролланиш пойгаси, Америка маъмуриятининг космосни ҳарбийлаштириш режалари сабаб бўлаётганлиги тўғрисида КПСС ва ПКПнинг якдил фикрини изҳор этдилар.

Шу муносабат билан ҳозир милитаризм ва зўравонлик кучларига қаршилик кўрсатиш учун, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун барча тинчликсевар кучларнинг активлигини ва баҳамжиҳат ҳаракатини ривожлантириш ҳар қачонгидан кўра муҳим эканлиги таъкидланди.

Суҳбат давомида КПСС ва ПКП, СССР билан Португалия ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда яхши муносабатларни ривожлантиришда кўмаклашишга тайёр эканликлари тасдиқланди.

Фикрлашувлар муҳокама этилган барча масалалар юзасидан КПСС билан ПКП қарашлари бирлигини тасдиқлади. Ҳар иккала томон марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг синалган принципларига амал қилиб, совет Иттифоқи ва Португалия халқларининг манфаатлари, тинчлик, демократик ва социализм иши манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ҳар иккала партиянинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга интилаётганлиги изҳор қилинди.

**(ТАСС).**

## МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСКАНЛАРИГА— ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

27 июль куни Тошкентда республика партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, халқ депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, совет ва касаба союз ходимлари, матбуот, радио ва телевидение вакиллари иштирок этдилар.

«КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан партия, совет, жамоат ташкилотлари, министрликлар, идораларнинг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари М. К. Оролбоев, Андижон область ижроия комитетининг раиси Ж. Ҳ. Ҳасанов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова, Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги С. Муродов номли мактаб директори У. Хушвақтова, Наманган область Косонсой район партия комитетининг биринчи секретари С. Каримов, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири В. Н. Костецкий, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройининг директори Л. П. Казаченко, Ўзбекистон ССР спорт комитетининг раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ў. Р. Умарбеков, Фарғона шаҳридаги «Нефтяник» спорт комплексининг директори В. В. Белоногов иштирок этдилар.

Партия активи йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, О. У. Салимов, Ҳ. А. Шоғазатов, Т. А. Алимов, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров қатнашдилар.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «КЛУБ МУАССАСАЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ПАРТИЯ, СОВЕТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

## Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

Ўртоқлар!

Халқимизнинг бутун кўп қиррали бунёдкорлик турмуши КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш муддаоси билан суғорилган. Совет тузумининг ажойиб фазилати — меҳнаткашларнинг чуқур коммунистик онглилиги партия режаларини амалга ошириш йўлидаги курашда ёрқин ифодасини топмоқда. Меҳнаткашлар партиянинг ленинча сиёсий йўлини, унинг етилган социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга новаторларча ёндашувини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Мамлакатни ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида халқ олдида турган вазифалар КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва июль Пленумларининг қарорларида ниҳоятда равшан ва аниқ белгилаб берилган.

Гап янги сифат ўсиши ривожланишнинг интенсив йўлига ўтиш, стратегик муҳим йўналишларда илдам олға бориш, экономикани структура жиҳатидан қайта қуриш, меҳнатни бошқариш, ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларидан фойдаланиш, социал проблемаларни тўлароқ ҳал этиш тўғрисида бормоқда, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев.

**(Давоми иккинчи бетда).**

